



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 29 июль, № 153 (9324)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги соғлиқни сақлаш вазири Фаҳад бин Абдулрахмон ал-Жалажил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиахд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Сўнгги йилларда ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Айниқса, “ACWA” компанияси билан йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф доирасида Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегация билан самарали музокаралар ўтказилиб, қатор келишувларга эришилди.

Мулоқот давомида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ва модернизация қилиш, фармацевтика тармоғини тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш, кўп тармоқли шифохона барпо этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашув якунида янги лойиҳа ҳамда ташаббусларни амалга оширишни назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида “Келажак ўйинлари” учинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

“Келажак ўйинлари” ўзида аънавий спорт турлари ва уларнинг рақамли шакллари мижасам этган.

Мусобақа 29 июлдан 9 августга қадар 50 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари, жумладан, Ўзбекистон спортчилари иштирокида ўтказилади.

ЎзА.

Ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН БИРЛИГИ – МИНТАҚАМИЗНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ КАФОЛАТИ

Ўзбек ва қозоқ халқи бир ўзандан сув ичган, тарихи, тақдирини, илдири туташиб эл, урф-одатлари, қадриятини аънавалари яқин. Шу боис азалдан бу икки халқ ўртасида қўда-андачилик, қариндошлик алоқалари мустаҳкамланиб келган. Айни пайтда халқларимиз қадим замондан тинчлик ва муроСада, бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда яшаб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса, география бизни яқин қўшни қилган бўлса, тарих бизни биродарларга айлантирди. Шу сабабли, бу икки миллимизнинг турмуш тарзида, тилида, адабиёти ва маданиятида умумий жиҳатлар қўллаб учрайди.

Қозоғистон — Ўзбекистоннинг энг яқин дўсти ва иттифоқчиси. Мамлакатларимиз ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битим имзолангани ва борди-қолдиқларимиз ана шу руҳда давом этаётгани бунинг яққол исботи. Бизни ягона ўтмиш боғлаб турганидек, биргаликдаги ривожланишнинг истиқболли йўллари бардавом бўлишига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиши ана шу иттифоқчилик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида “Келажак ўйинлари” учинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида қатнашади.

Президентимизнинг Қозоғистонга амалий ташрифи нафақат спорт соҳасидаги муҳим воқеалик, балки икки томонлама иттифоқчилик муносабатлари ва минтақавий интеграция нуктаи назаридан жуда катта геосийёсий аҳамиятга эга.

“Келажак ўйинлари” — бу аънавий спорт турлари

ва уларнинг рақамлаштирилган шакллари ўзида мижасамлаган мутлақо янги, замонавий спорт тури бўлиб, у халқаро мижёсда “Фижитал” (Phygital) — physical + digital, яъни жисмоний ва рақамли) концепцияси деб аталади. Ушбу мусобақанинг аънавий спортдан фарқи ва ўзига хослиги бор. Масалан, фижитал-футбол бўйича баҳс олиб бораётган жамоалар дастлаб компьютер ёки консолда (e-sports) виртуал футбол ўйнашади, сўнгра дарҳол ҳақиқий майдонга чиқиб, минифутбол бўйича куч синашади. Иккала босқичда тўпланган голлар ёки очколар умумлаштирилиб, голиб аниқланади. Худди шу тартиб фижитал-баскетбол, фижитал-пойга, лазертаг ва жанговар яккакурашларда ҳам қўлланилади. Мусобақа дастуридан дронлар пойгаи, роботлар жанги ва сунъий интеллект технологиялари қўлланиладиган бошқа замонавий йўналишлар ҳам жой олган.

Остона шаҳрида 29 июлдан 9 августга қадар бўлиб ўтадиган учинчи халқаро мусобақада дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан келган энг кучли киберспортчилар ва атлетлар, жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам голиблик учун баҳс олиб боради.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

28 июль куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фавқуллодда ва мухтор элчилар — Италия Республикасидан Гуидо де Санктис, Фаластин Давлатидан Баилл Баттрехи, Саудия Арабистони Подшоҳлигидан Саад Абу Хаймид, Кувайт Давлатидан Турки Ал-Мекрад, Жазиор Халқ Демократик Республикасидан Жамила Ашур, Малайзиядан Рафеда бинти Абдул Азиз, Покистон Ислон Республикасидан Муҳаммад Мудассир Типу, Озарбайжон Республикасидан Рашад Мамедов ва Қозоғистон Республикасидан Ерали Тугжановларнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Янги Ўзбекистондаги шарафли миссияси бошлангани билан чин қалбдан самимий табриклади.

Дунёда турли геосийёсий зиддиятлар тобора авж олаётган ҳозирги мураккаб даврда дипломатларнинг масъулиятли фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Президентимиз ҳар бир элчига мурожаат қилиб, улар вакиллик қилаётган давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Италия катта сийёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга муҳим шерик экани таъкидланиб, “яшил” энергетика, металлургия, кимё, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим ва туризм соҳаларидаги лойиҳалар амалга оширилаётгани, Тошкент шаҳрида Турин политехника ва Пиза университетлари филиаллари самарали фаолият юритаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси Ломбардия ва Тоскана худудлари билан ҳамкорлик алоқалари, хусусан, тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

Фаластин билан муносабатлар азалий дўстлик руҳида ривожланмоқда. Ўзбекистон Исроил — Фаластин муаммосини “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг Тинчлик кенгашига таъсисчи давлат сифатида кириши Фазони қайта тиклашга қўмаклашишга қаратилгани қайд этилди.

Саудия Арабистони билан ҳамкорлик бошқалар учун намуна бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари 25 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шаклангани, Саудия тараққиёт жамғармаси ислохотларимизга фаол қўмак кўрсатаётганини алоҳида эътироф қилди.

Қолаверса, тиббиёт, фармацевтика ва “яшил” энергетика соҳаларида катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Шунингдек, фуқароларимизга Ҳаж ва Умара зиёратлари учун яратилаётган шароитлар юқори баҳоланди.

Кувайт билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида алоқаларни янги босқичга кўтариш, Кувайт инвестиция агентлиги билан нефть-кимё тармоғида ва давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар борлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).



НУКУС ШАҲРИДА БАРҚАРОР ВА ХАВФСИЗ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги қозонхонани когенерация технологиялари асосида модернизация қилиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор иссиқлик билан таъминлаш, тизимда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш муҳим вазифа.

Бугунги кунда Нукус шаҳридаги 47 та кўп қаватли уй марказий иситиш тизимига уланган, яна 270 та уй локал иситиш тизимидан фойдаланмоқда. Қолган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар турли қўлбола иситиш воситалари орқали иситилмоқда. Бундай воситалар кўп энергия сарфлаши билан бирга одамлар саломатлиги ва ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдиради.

Шаҳардаги мавжуд марказий қозонхона 1976 йилда қурилган бўлиб, ҳозирда, асосан, ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатмоқда. Унинг ускуналари маънан ва жисмонан эскирган, энергия самарадорлиги эса паст.

Ҳозирги қозонхонада 1 гигакалория иссиқлик ишлаб чиқариш учун қарийб 153 куб метр табиий газ ва 30 киловатт-соат электр энергияси сарфланмоқда. Унинг амалдаги қуввати соатига атиги 1,6 гигакалорияни ташкил этади.

Тақдимотда ушбу қозонхонани давлат-хусусий шериклик асосида когенерация технологиялари билан модернизация қилиш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Когенерация технологияси битта ёқилги манбаидан бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Бу ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва атроф-муҳитга

чиқариладиган зарарли моддаларни камайитиришга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида соатига 34,4 гигакалория иссиқлик ва 21,5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий мажмуа барпо этилади.

Шунингдек, 28 километр иссиқлик тармоғи тортилиб, 189 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатилади. Кўп қаватли уйлар ва ижтимоий объектларнинг ички иситиш тизимлари тикланади, зарур газ ва электр инфратузилмаси янгиланади.

Биринчи босқичда 136 та кўп қаватли уйдаги қарийб 6 минг хонадон, яъни 23 минг нафар аҳоли ҳамда 40 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик таъминоти билан қамраб олинади. Кейинги босқичларда Нукус шаҳридаги барча кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини марказлашган иссиқлик тизимига улаш кўзда тутилган. Лойиҳанинг дастлабки босқичига 20 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниб, мажмуани 2028 йил февраль ойида тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Модернизация натижасида қозонхонанинг фойдали иш коэффициентини 80 фоиздан 91 фоизга ошади. Иссиқлик ишлаб чиқариш ҳажми бир неча ўн баробар кўпайиб, йилига 172 минг мегаватт-соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

(Давоми 2-бетда).



Муҳокама

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХИЗМАТ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида туризм соҳасини жадал ривожлантириш орқали унинг иқтисодийдаги аҳамиятини ошириш борасида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилди, виза тартиблари соддалаштирилиб, визасиз режим кенгайтирилди. Шунингдек, миллий туризм брендини халқаро майдонда тарғиб этиш,

ички туризмни ривожлантириш, янги сайёҳлик йўналишларини яратиш ва хизматлар сифатини ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар сони 4,4 мингга ташкил этмоқда. 6 мингга яқин жойлаштириш воситалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улардаги ўринлар сони 185,6 мингга етади ва



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, фуқароларнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларини қонун билан ҳимоя қилиш, капитал бозори ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди.

Ялпи мажлис ишини Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов мамлакатимиз ижтимоий-сийёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар таҳлили билан бошлади.

Жумладан, Президентимиз Шавкат

Мирзиёев раислигида ёқилги-энергетика тармоғини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталди.

Спикер ўз сўзида энергетика соҳасидаги масалаларга давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлади. Чунки барқарор энергия — бу, энг аввало, халқимизнинг бирламчи эҳтиёжидир. Қолаверса, у иқтисодиёт юраги. Одамларимизнинг кайфияти, эртанги кунга ишончи ҳам энергия ресурсларининг узлуқсиз таъминотида боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам бу ҳаёт-мамот масала Президентимизнинг доимий эътибори ва назоратида турганлигига урғу берди.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

Мустақиллик — бу шунчаки давлатнинг ўз чегаралари ёки рамзлари эга бўлиши эмас, аввало, халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркин ва фаровон ҳаёт куриш ҳуқуқи. Агар давлат мустақил бўлмаса, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёт йўлини бошқалар белгилайди. Мустақиллик эса миллатга ўз миллий манфаатларига таянган ҳолда қарор қабул қилиш, бойликларини халқ фаровонлиги йўлида сафарбар этиш, келажагини ўз орзу-мақсадлари асосида куриш имконини беради.

Яна шу ҳам маълумки, тарихда ва бугунги ҳаётимизда мустақил давлатларнинг барчаси ҳам тўла-тўқис бахтга, фаровонликка эриша олмаган. Ўзаро рақобат қўчайган, геосиёсий ўйинлар авж олган дунёда мустақиллик берган бекиёс имкониятлардан тўғри фойдалана олган, ҳар қандай шaroитда миллий манфаатларини устувор қўя билган, инсон қадрини юксалтиришни бош

мақсад қилиб белгиланган давлатига чинакам эркинликка эриша олади, халқининг эзгу ниятларини рўёбга чиқаради.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистон айнан ана шу йўлдан бормоқда. Истиқлолнинг илк йилларида, бундан 35 йил муқаддам бошланган тарихий ўзгаришлар — давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, иқтисодий қарамликдан халос бўлиш, мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш, халқнинг миллий ўзлигини англаши, одамларнинг миллий гурурини ўстириш борасидаги ишлар кейинги ўн йилда бутунлай янгича қўлам, шакл ва мазмун-моҳият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, оқиллиги, улкан салоҳияти, ватанпарварлиги, халқсеварлиги туфайли юртимизда янги давлат ва жамият куриш, Ватанимизнинг сурати сийратини янгилаш, ҳаёт фаровонлигини таъминлаш, инсон қад-

рини улуғлаш, жамиятда адолат, қонун устуворлигига эришиш, ёшларга қанот бағишлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқларни дунё жамоатчилиги, халқро эксперт ва мутахассислар ҳам эътироф этапти.

Энг муҳими, кўп миллатли халқимиз ана шу тарихий ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи, енгилмас кудрати. Шу маънода, эртаю кеч изланишдан тўхтамай, фидойилик, жонқуярлик, матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажараётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижликлар, мана шу эл-юрт тақдирига ўзини дахлдор сезган ҳар бир инсон, шубҳасиз, бугунги дориламон кўнларнинг, нури келажакнинг бунёдкорларидир.

Қўйда ана шу матонат ва шижоат соҳибларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари газетхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

БУГУНГИ ПАРЛАМЕНТ КЕЧАГИ ЭМАС, ДЕПУТАТЛАР ҲАМ

Гулираъно ХОЛИҚОВА, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати:

— Янги Ўзбекистонда бугунги парламент кечаги парламент эмас, депутатлар ҳам кечаги депутатлар эмас. Уларнинг фаолият қамрови ҳам, ишга ёндашуви ҳам, масъулияти ҳам тубдан фарқ қилади. Жумладан, мамлакатимиздаги ҳаётбахш ислохотларга ҳамоҳанг тарзда Президентимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар ваколати кенгайиб, депутатлик сўрови, депутатлик назорати каби йўналишларда мутлақо янги тизим шаклланди. Авваллари маҳаллий Кенгашлар депутатлари номигагина фаолият юритар, ҳудуд ижтимоий-сиёсий ҳаётида деярли қатнашмас, бу борада уларнинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам билинмасди. Бугун эса манзара бутунлай бошқача.



Ҳозирги кунда вилоят Кенгаши аграр ва сув хўжалиги масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида ҳар ҳафтада бир мартаба ўтказиладиган янги қонун лойиҳаси муҳокамалари жараёнида фаол қатнашиб, ҳуқуқий ҳужжатларни жиддий чиғирикдан ўтатиш, унда эл-юрт манфаати тўлиқ акс этиши учун астойдил интиламан. Ўз навбатида, ўзим сайланган Риштон туманидаги сайлов округида мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказиб бораман. Депутатлик сўровларимизга белгиланган муддатда жавоб берилмаса, масъулиятсиз мансабдорларга прокуратура чора кўради. Шу боис сўровларимиз олдиндигар беэътибор қолдирилаётгани йўқ. Маҳаллий ҳокимликларда жавобгарлик туйғуси кучайди, шу билан бирга, жамоатчилик назорати ҳам яхшиланяпти.

Экологик партиядан сайланган депутат сифатида она табиятни асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, кишлоқ хўжалиги тармоқларига илм-фан ютуқлари, илғор агротехнологияларни кенг қўллаш сингари масалалар доимий эътиборимда. Мисол учун, бу йил вилоятда 40 минг гектардан ортиқ майдонларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Сайлов округимдаги ўнга яқин маҳаллаларда ҳам муҳим ҳаётий масалалар — ичимлик суви, ички йўللارни асфальтлаш, бандлик муаммолари ижобий ечим топяпти.

Яқинда ташкил этилган вилоят депутат аёллар клуби ёрдамида қисқа даврда сайлов округимдаги юз нафардан зиёд хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда касб-хунарга ўқитишга эришдик. Эндиликда бу оила бекарларнинг ўз бизнеси ва фаровон ҳаёти бор. Эзгу ташаббуслар самараси сифатида округимда "қизил" ҳудуд тоифасидаги маҳалла қолмади. Яқин истиқболда эса округдаги ўнга яқин маҳаллаларнинг ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд маконига эга бўлишини мақсад қилганман.

Бугун шундай ваколатлар ва имкониятларга эга бўлаётган депутат бир қадам олдинда бўлиши керак. У энди ҳар жабҳада ақлли бўлишга мажбур. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ҳар сафарги ташрифи чоғида бу борада катта мотивация оламан, ғайратимга ғайрат қўшилади. Бу олис кишлоқдаги оддий оилада туғилиб ўсган ўзбек қизи учун мустақиллигимиз тўхфа этаётган энг азиз, энг қадрли неъматлардир.



САЙЁҲЛАР ТАЛПИНАДИГАН ЖОЗИБАДОР МАНЗИЛ

Эрслан Газали ИБРАҲИМ, «EGI Resources» компанияси бош директори (Индонезия):

— Дунёда туризмнинг 200 дан ортиқ турлари бўлиб, улар орасида зиёрат туризми тез ривожланаётган, истикболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам Ўзбекистонда бу соҳага устувор аҳамият қаратишмоқда.

Жумладан, Самарқанд заминида давлатнинг раҳбари ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуаси буюк муҳаддиснинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига му-

носиб тарзда қайтадан бунёд этилгани бутун ислом дунёси учун бекиёс аҳамиятга эга бўлди.

Бу ерда нафақат ибодат, балки кенг қамровли илмий тадқиқотлар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Айниқас, мажмуага туташ ҳудудда халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактабининг ташкил этилгани диққатга сазовор. Бу марказлар буюк муҳаддиснинг бой меросини чуқур ўрганиш, ноёб қўлёмаларни

тадқиқ этиш ва ҳадис илми бўйича юксак малакали мутахассисларни етиштиришга хизмат қилади. Шу маънода, ушбу маскан нафақат тарихий сакловчи музей, балки келажак авлод учун илм-фан даргоҳига айланиши, шубҳасиз.

Мажмуанинг тўрт бурчидаги 75 метрлик миноралар ва 10 минг кишилиқ масжид эса унинг нақадар улуғворлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, мажмуа қошида ташкил этилган туризм марказида замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо қилинган эътиборга молик. Бу каби ташаббуслар Самарқандни мусулмонлар учун янада жозибдор маскан сифатида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги делегациясининг Индонезияга ташрифи давомида (компаниямиз билан имзоланган ҳамкорлик меморандуми ижроси доирасида) Имом Бухорий мажмуаси яқинида янги туризм маскани — "Kampung Indonesia" (Индонезия маҳалласи)ни ташкил қилдик.

Мазкур лойиҳа индонезиялик ташриф буюрувчиларга мўлжалланган бўлиб, бу ерда миллий аъёнларга мос хизматлар йўлга қўйилган. Комплекс таркибиде замонавий ва қўлай меҳмонхона, шунингдек, Индонезия миллий таомларини тақдим қиладиган ресторан фаолият юритмоқда. Бу эса индонезиялик меҳмонларга ўз юртимиздаги муҳитни ҳис қилган ҳолда Самарқанд зиёратини амалга ошириш имконини беради.

Энг муҳими, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳбарлигида Ўзбекистон бугун бутун дунёга очилмоқда. Кенг қўламли тарихий янгилинишлар мамлакатинингизнинг обрў-эътиборини ошириб, уни жаҳоннинг турли бурчакларидан сайёҳлар талпинадиган жозибдор манзилга айлантирмоқда.

«ЎЗ ЮРТИМИНГ ЯНТОҒИЧА БЎЛОЛМАС...»

Аброр НАМОЗОВ (Жаркўргон тумани):

— Авваллари мен шундай ўйлар эдим: хорижга бориб, кўп пул топаман. Ойига 1000, 1200 доллар уйга юбораман. Бир йилда 150 миллион сўм пул жамгараман. Қарабсизки, тезда бойиб кетаман!

Хорижга кетдим. Тиним билмай ишладим. Анча-мунча пул ҳам топдим. Лекин... Бир кун уйга келдим уйимдан бир хаёл ўтди: "Қачонгача узоқда саргардон юраман? Ахир Ватанимизда ҳам ҳаракат қилганга ҳамма шароит бор-ку! Президентимизнинг ўзи ёшларга эътибор қаратиб, уларнинг билим олиши, ишли, даромадли бўлиши, тадбиркорга айланиши учун барча қўлайликни яратиб бераётган бўлса!"

Шу-шу четга қайтиб бормадим. Ота-онамнинг бағрида, болаларим-

нинг ёнида, эл ичида юрай дедим... Сўрхондарёнинг тупроғидай тупроқ, сувидай сув борми? Меҳнат қиламан, хунар ўрганаман, томорқани барака манбаига айлантираман. Тагин савдо билан ҳам шуғулланаман, деб ўз олдимга мақсад қўйдим.

Ха, шундай ҳам қилдим. Ҳозир хорижда сарсон-саргардон юрганим йўқ. Ўқ қатори ашяапман. Машина олдим. Дўконим бор. Ишларим юришиб кетди. Бу борада мамлакатимизда хориждан, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича

амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар асқатди.

Бугун ёнимга келиб ҳол-аҳвол сўраганларга ғурур билан: "Дунёнинг исталган ерига боринг, Ўзбекистондай юрт йўқ. Ватанимизнинг одамлари олтин. Инсонийлик бор бу ерда. Етти пуштим шу ерда яшаган ва насибасини Сўрхондарёдан топган. Мен ҳам шундай қиялман!" дейман.

Бирламан, баъзи ёшлар хорижга бориб, тезда кўп пул топгиси келади. Бироқ ҳамма ернинг ўз тош-тарозиси борлигини унутиб қўяди. Менимча, барака инсофда, қаноатда, тежамкорликда. Ўз юртингда берилган имкониятдан самарали фойдаланишда! Киши қийналиб бўлса ҳам ўқиб-ўрганиб, хунар эгалласа, яхши яшайди. Зеро, машҳур қўшиқда ай-тилганидек, "Ёт элларнинг боғи билан богчаси, Ўз юртининг янтоғича бўлолмас".



«МУЗ»ЛАРНИ ЭРИТГАН ҚАТЪИЯТ

Зафар ТҲҲИЧЕВ, Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори ўринбосари:

— Атиги бир неча қақирим нарида яшайдиган жигарлар билан йиллар давомида борди-келди қиймаслик, истаган вақтда улар билан дийдорлашмаслик мумкинми? Ха, мумкин экан. Биз узоқ йиллар давомида ана шундай қисмат билан яшадик.

Шахсан ўзим қарийб 20 йил мобайнида Тожикистон Республикасининг биздан узоқ бўлмаган Жавқандак кишлоғига боролмадим. Шунча йил ичида ўша кишлоқда яшайдиган бобомнинг ака-укалари, фарзандлари ва бошқа қариндошлар ҳам бизниқига келишолмади. Ҳатто қариндошларга яқинларининг жанозаларида иштирок этиш ҳам насиб қилмади. Чунки ўша вақтларда қўшни давлатлардан ўзаро ўтиш-кириш бугунгидек эмин-эркин эмасди. Таъбир жоиз бўлса, қўшни эшиқлар тамбала-

ганди. У давлатдан бунисига бориш учун элчионалару бошқа идоралардаги узундан-узоқ расмийлаштириш ва текширишлардан ўтиш, бу жараёнларга жуда кўп вақт, асаб ва маблаг сарфлаш керак эди.

Шуқри, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, қатъияти билан икки давлат ўртасидаги "муз"лар эриди. Марказий Осиёда бутунлай янгица муҳит қарор топди. Ўзаро қўшни давлатлар келажак бир-бирига боғлиқ эканини англади ва ҳамжиҳатлик ҳаракат қила бошлади.

Хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон

ўртасидаги дўстона алоқалар йўлга қўйилди. Чегаралар очилди — бугун истаган вақтда, ҳеч қандай қийинчиликсиз қўшни давлатга бориб-келяпмиз. Тўю маърақа туғул, туғилган кунларда ҳам бир-биримиз билан дийдорлашяпмиз. Деярли ҳар ҳафта Жавқандақдан бирор жигаримиз келади. Яқинда бир қариндошимиз Гулистон шаҳрида даволаниб кетди. Демокчманки, ўзаро борди-келдиларнинг осонлашгани вилоятимизда табиёт туризмнинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшапти.

Кейинги ўн йилда мамлакатимиз таниб бўлмас қиёфага эга бўлди, иқтисодиётимиз жадал ўсмоқда. Шу билан бирга, ўнлаб мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Янги Ўзбекистон ҳар жиҳатдан дунёга яқиндан танилди ва жаҳон саҳнасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг изчил олиб бораётган кўп векторли ташқи сиёсати самараси, албатта.

«Халқ сўзи».



ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ БЕРГАН ИМКОНИАТ

Қадир РОЗИ, инвестор (Хитой Халқ Республикаси):

— Ўзбекистон — мустақиллигининг дастлабки давриданоқ автомобилсозлик саноатини йўлга қўйган давлат сифатида хорижий инвесторларнинг эътиборини тортган мамлакат. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги йилларда инвестициявий муҳитни яхшилаш, хорижий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани биз, инвесторларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка ишончимизни тобора мустаҳкамлаб борапти.

Мана, Наманганда "Kadeer Parts Industry" хорижий корхонасини ишга туширганимизга ҳам саккиз йил бўлди. Лойиҳага 4 млн. АҚШ доллари миқдорига сармоя киритганмиз. Корхонамизда автомобиль чироқлари ва ёритиш қисмлари, пластик автокомпонентлар, айрим автоаксессуарлар ишлаб чиқарилади. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбop юздан ортиқ турдаги компонентлар тайёрлаб ички ва ташқи бозорга чиқаришмоқда. Мисол учун, аввалги йилларда Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларга 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, жорий йилда унинг географиясини янада кенгайтириб, 200 минг долларга етказишни режалаштирганимиз. Бундан ташқари, ўтган йили 10 млрд. сўмлик маҳсулот ички бозорга етказиб берилди. Корхонамизда 100 нафарга яқин аҳоли бандлиги таъминланган.

Юртингизда яратилган қўлай инвестициявий муҳит — ер майдони, электр, газ, сув ва логистика тармоқлари билан таъминлаш, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани корхонамизнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўляпти. Бу борадаги ишлар кенг қўламан касб этгани натижада Ўзбекистоннинг хорижлик сармоядорлар учун жозибдор мамлакатга айланмоқда.

Айни пайтда Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида ўтказиляётган «EDUGATE — 2026» халқаро таълим кўргазмасида «Study in Uzbekistan» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари ўз таълим дастурлари, илмий салоҳияти ва халқаро имкониятларини намойиш этмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўттир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Ташриятга келган қўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета ташрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиш — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.51 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6